



№ 16-ф

20 14 ун « 21 » февраль

Тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиши учун қулай муҳит яратиш
ва уларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги мажлисида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2014 йил 25 январдаги 1-сонли селектор мажлиси баёнини ижросини таъминлаш мақсадида,

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2014 йил 25 январдаги 1-сонли селектор мажлиси баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Тадбиркорлик субъектларининг телефон орқали мурожаатлари учун иш кунлари давомида Тошкент шаҳар ҳокими-ҳудудий комиссия раиси ҳузурида 239-05-80 рақамли ҳамда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи-комиссия раиси ўринбосари ҳузурида 244-54-86 рақамли “Ишонч телефон”лари ташкил этилганлиги инобатга олинсин.

3. Туман ҳокимликлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар 3 кунлик муддатда “Ишонч телефон”ларини ташкил этиб, барча тадбиркорлик субъектларига етказилиши таъминлансин.

4. Тошкент шаҳрининг барча туманларида ҳафтанинг чорпанба ва пайшанба кунлари тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш кўни этиб белгилансин ва ушбу тадбирни амалга ошириш бўйича туман ҳокимликлари ҳузурида мутасалли идора ва ташкилотлар вакилларида иборат намунавий ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Тадбиркорларга керакли маълумотлар ва маслаҳатлар бериш, уларнинг фаолиятидаги муаммоларни ҳал этишда яқиндан амалий ёрдам бериш ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

6. Ишчи гуруҳ фаолиятини ташкил этиш туман ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан амалга оширилиши, тадбирларда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини рўйхатга олинishi ва амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни 2-иловага мувофиқ ҳар

ойнинг 3-санасигача туман ҳудудий комиссиялари ишчи органига тақдим этиб борилиши белгилансин.

7. Туман ҳокимлари шаҳар Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда, тадбиркорлик субъектлари билан ҳар чорақда камида икки марта очиқ мулоқот ўтказиш ва амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чорақдан кейинги ойнинг 3-санасига қадар Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясига ахборот тақдим этиб борсинлар.

8. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи в.б. Р.Мирзаев ҳамда туман ҳокимлари зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими

Р.Усманов

Тошкент шаҳар ҳокимининг
 “01” февраль 2014 йилдаги
 16-Ф –сон фармойишига
 1-илова

Тошкент шаҳрида ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ташкил этилган намунавий ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ

Т.р.	Идоралар номи	Масъул ходимнинг Ф.И.Ш. ва лавозими	Телефон рақами	Изоҳ
Ишчи гуруҳ раиси				
1.	Туман ҳокими			
Ишчи гуруҳ аъзолари				
1.	Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси			
2.	Туман Давлат солиқ инспекцияси			
3.	Туман Молия бўлими			
4.	Туман Савдо-саноат палатаси			
5.	Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУКнинг туман бўлинмаси			
6.	Тижорат банклари			
7.	Туман Газ филиали			
8.	Туман Электр тармоқлари корхонаси			
9.	Туман ҳокимлиги Иқтисодийёт бўлими			
10.	Туман ДСЭНМ			
11.	Туман ИИБ ЁХБ			

Изоҳ: Ишчи гуруҳ таркиби ўз фаолиятини бир жойнинг ўзида уюшган ҳолда туман ҳокимликларида ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари соат 9-00 дан 12-00 гача амалга оширади.

Ишчи гуруҳ фаолиятини ташкил этиш туман ҳокимликлари Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан олиб борилади.

Ишчи гуруҳ таркибидаги идоралар раҳбарлари ташкил этиладиган тадбирларда масъул ходимларнинг тўлиқ иштирокини таъминлайдилар.

Ўтказилган тадбир натижалари алоҳида баёнлар билан расмийлаштирилиб, баёнларда тадбирга қанча тадбиркор ташриф буюрганлиги, қайси идора томонидан қанча мурожаат қабул қилинганлиги ва уларнинг натижаси акс эттирилади.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларни рўйхатга олиш китоби юритилади.

Ишчи гуруҳ томонидан қабул қилинган ва кўриб чиқилган мурожаатлар, кўрсатиш хизматлар тўғрисидаги йиғма маълумотлар Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида сақланади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
 01 февраль 2014 йилдаги
 16-Ф –сон фармойишига
 2-илова

Тошкент шаҳрининг _____ туманида ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш кунда қабул қилинган мурожаатлар ва уларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида
 МАЪЛУМОТ

Туман номи	Ўтказилган тадбирлар сони	Тадбирда қатнашган Ишчи гуруҳ таркибдаги идоралар сони	Тадбирда қатнашган тадбиркорлар сони	Жами келиб тушган мурожаатлар сони:		Ижро муддати олдинги ойдан ўтган ва жорий айда хал этилган мурожаатлар сони	Ҳолатига
				Жойида тушунтириш ва маслаҳатлар берилган мурожаатлар сони	Ижрога олинган мурожаатлар сони, шундан: Кўриб чиқилган мурожаатлар сони		
Миробод тумани							
Жами йил бошидан шу жумлада							
Ҳисобот айди							

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи